

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ПРИМОВА ХОЛИДА АНОРБОЕВНА

**СУСТ ШАКЛЛАНГАН ЖАРАЁНЛАРНИ НОРАВШАН
МОДЕЛЛАРИНИ ҚУРИШНИНГ НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАРИНИ
ЕЧИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract Doctoral (DSc) Dissertation

Примова Холида Анорбоевна

Суст шакланган жараёнларни норавшан моделларини куришнинг
нокоррект масалаларини ечиш усул ва алгоритмлари 3

Примова Холида Анорбоевна

Метод и алгоритмы решения некорректных задач построения нечетких
моделей слабоформализуемых процессов. 25

Primova Holida Anorboyevna

Method and algorithms for solving incorrect problems of constructing fuzzy
models of poorly formalized processes.. . . . 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

ПРИМОВА ХОЛИДА АНОРБОЕВНА

**СУСТ ШАКЛЛАНГАН ЖАРАЁНЛАРНИ НОРАВШАН
МОДЕЛЛАРИНИ ҚУРИШНИНГ НОКОРРЕКТ МАСАЛАЛАРИНИ
ЕЧИШ УСУЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.03 – Информатиканинг назарий асослари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T120 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Мухамедиева Дилноз Тулкуновна техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гулямов Шухрат Манапович техника фанлари доктори, профессор Усманов Ришат Ниязбекович техника фанлари доктори, профессор Нурмухамедов Толаниддин Рамзиддинович техника фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ___ » _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2018 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Р.Х.Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Н.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда маълумотларнинг интеллектуал таҳлилига оид муаммоларни ҳал қилиш учун интеллектуал ҳисоблаш технологияларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Норавшан тўпламлар ва норавшан мантиқ назариялари инсонларни мавжуд ахборотларни қайта ишлашига ва бундай ахборотларнинг ноаниқ ҳамда тўлиқ бўлмаган шароитларда қарор қабул қилиш механизмига эга бўлишига замин яратади»¹. Шу сабабли ҳозирги вақтда норавшан мантиқий баҳолаш орқали сунъий интеллект тизимларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. АҚШ, Англия, Япония, Германия, Италия, Франция, Канада, Россия, Украина, Озарбайжон ва бошқа давлатларда юмшоқ ҳисоблаш усуллари (Soft Calculation, Soft Computing), жумладан норавшан тўпламлар, норавшан мантиқ ва норавшан арифметика назариясига асосланган усуллар, норавшан қоида хулоса тизимлари ва Z-сонлардан кенг фойдаланилиб, Computational Intelligence - интеллектуал ҳисоблаш технологияларини такомиллаштириш ва сушт тузилмали қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизимларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда сунъий интеллект тизимларни такомиллаштириш, сушт шаклланган жараёнларда қарор қабул қилишни қўллаб-қувватловчи тизимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан интеллектуал тизимларни қуриш, юмшоқ ҳисоблаш усул ва воситаларини такомиллаштириш, эволюцион ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш, яхши шаклланмаган тизимларда баҳолаш, башорат қилиш ва бошқариш бўйича маълумотларни қайта ишлаш ҳамда норавшан модел қуриш жараёнида вужудга келувчи норавшан кўп мезонли муқобиллаштириш масалаларини ечиш учун алгоритмлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда халқ хўжалиги соҳаларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишни амалга ошириш мақсадида интеллектуал ҳисоблаш технологияларини тадбиқ этишга эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан норавшан қоидалар хулосаларидан ва норавшан тўпламлар назариясидан фойдаланган ҳолда бошқарув, ташхис қўйиш, ишлаб чиқариш жараёнини баҳолаш масалаларини ечиш орқали сезиларли натижаларга эришилиб, норавшан ахборотни қайта ишлаш асосида яхши шаклланмаган тизимларни баҳолаш ва қарор қабул қилишнинг юқори самарали интеллектуал тизимларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Бу борада дастлабки маълумотлари норавшан берилган шароитларда сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда қарор қабул қилишнинг интеллектуал тизимларини қуриш усуллари такомиллаштириш муҳим аҳамият тақозо этмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ <http://www.mathworks.com/support/books/index.jsp?category=9>, <http://www-bisc.cs.berkeley.edu/>, <http://www.abo.fi/rfuller/ifsa.html>

янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан сушт шаклланган жараёнларнинг норавшан мантикий моделларини куриш ва модел куриш жараёнида юзага келган нокоррект масалаларни ечиш муҳим масалалардан бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги 24-сон «Жойларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникацион технологияларини бундан кейинги ривожлантиришга шароитлар яратиш учун чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Норавшан тўпламлар назарияси, юмшоқ ҳисоблашлар, ноаниқлик шароитида қарор қабул қилиш усуллари, яхши шаклланмаган жараёнлар ҳолатини моделлаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан: University of California, Department of Electrical and Computer Engineering University of Texas (АҚШ), Darmstadt University of Applied Sciences (Германия), Attar Software Ltd (Буюк Британия), SIPINA, University of Lyon (Франция), University Institute of Applied Sciences, Izmir University (Туркия), Azerbaijan State Oil Academy, Department of EECS, Department of Business Administration (Озарбайжон), Tokyo Institute of Technology (Япония), Москва Давлат Университети, Амалий математика институти, Томск Давлат Университети (Россия), Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ахборот–коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://people.eecs.berkeley.edu/~zadeh/papers>, ICAFS – 2012, http://ci2s-enterprise.com.ar/2016/02/09/icafs-2016_, International Conference on Soft Computing with Words and Perceptions in System 2013-2016 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Норавшан тўпламлар назарияси ҳамда улар устида амаллар бажариш, сушт шаклланган объект ва жараёнларни моделлаштириш, интеллектуал тизимларни куриш, юмшоқ ҳисоблашнинг усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, синфлаштириш, баҳолаш ва башоратлаш моделларини яратиш алгоритмларини такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: башоратлаш моделларини куришда норавшан қоида хулосасига асосланган билимлар базасини шакллантириш усули ишлаб чиқилган (Institute of Applied Sciences, Туркия); норавшан модел параметрларини нейрон тўрлари ёрдамида созлаш усули қўлланилган (IDIS, Information Discovery, АҚШ); Z-сонлар билан ҳисоблашлар назарияси яратилган (University of California, АҚШ); норавшан ахборот муҳитида кўп мезонли муқобиллаштириш масаласини ечиш усули такомиллаштирилган (SIPINA, University of Lyon, Франция); нейрон тўрлар ва норавшан мантиққа асосланган башоратлаш масаласини ечиш усуллари яратилган (Tokyo Institute of Technology, Япония); Z-сонлар асосида қарор қабул қилишнинг кўп мезонли масалаларини ечиш усули ишлаб чиқилган (Azerbaijan State Oil Academy, Озарбайжон).

Дунёда норавшан тўпламлар назарияси, сонли ҳисоблашлардан сўзли ҳисоблашларга ўтиш ва табиий тилнинг маълумотларни қайта ишлаш, қарор қабул қилиш масалалари, Z-сонлар назарияси, юмшоқ ҳисоблашлар технологияларининг компоненталари бўлган норавшан мантиқ, нейрон тўрлар ва эволюцион алгоритмларни бирлаштириш натижасида ишлаб чиқилган моделлар бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: норавшан тўпламлар назариясини сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашга тадбиқ этиш асосида қарор қабул қилувчи тизимларни ишлаб чиқиш, сунъий интеллектнинг назарий-амалий соҳаларига норавшан тўпламлар назариясини жалб этиш услубиятларини такомиллаштириш, Z-сонларни классик норавшан сонларга айланттириш, Z-ахборотларга асосланган қарорлар қабул қилувчи тизимларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Норавшан тўпламлар назарияси ҳамда улар устида амалларни бажариш, сушт тузилмали жараёнларни интеллектуал таҳлил қилиш, норавшан мантиқ, сонли ҳисоблашлардан лингвистик ҳисоблашларга ўтиш, норавшан тўпламлар назариясини яхши шаклланмаган тизимларни тадқиқ этиш масаласига қўллаш услубияти ва коррект бўлмаган масалалар тақрибий ечимини топиш бўйича бир қатор олимлар: Л.Заде, М.Сугено, А.П.Ротштейн, Э.Мамдани, Р.Беллман Р.А.Алиев, Р.Р.Ягер, В.Канг, А.В.Ализадеҳ, Д.Дюбуа, А.Прад, Д.А.Поспелов, А.Н.Борисов, Р.Р.Алиев, А.Н.Тихонов, В.Я.Арсенин ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Ривожланиб бораётган норавшан тўпламлар назарияси, норавшан-стохастик математик моделлаштириш ва унинг қўлланилиши ўзбек олимлари Т.Ф.Бекмуратов, Ф.Б.Абуталиев, Х.З.Игамбердиев, М.А.Рахматуллаев,

Н.А.Игнатъев, Р.Н.Усмонов, Д.Т.Мухамедиева ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Норавшан қоидалар хулосаларидан ва Z-сонлардан фойдаланган ҳолда сушт шаклланган жараёнларни баҳолаш масалаларини шакллантириш, кўп ҳолларда, уларни ноқоррект масалалар кўринишида ифодалашга олиб келади. Норавшан ҳолатда сушт шаклланган жараёнларни баҳолашда юзага келадиган ноқоррект масалаларни ечиш алгоритми ва дастурий таъминоти илмий тадқиқотларда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг Ф4-ФА-Ф003 «Маълумотларнинг интеллектуал таҳлили масалалари учун қарор қабул қилишнинг нейро-норавшан моделларини синтез қилиш назарияси ва алгоритмлари» (2012-2016); А-5-006 «Мониторинг ҳамда қарор қабул қилишнинг гибрид интеллектуал тизимларини қуриш учун алгоритм ва дастурларни ишлаб чиқиш» (2015-2017); БВ-В-Ф4-011 «Ноаниқлик шароитларида маълумотларни интеллектуал таҳлилининг норавшан-ноқоррект масалаларини ечиш усул ва алгоритмлари» (2017-2020) мавзулардаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш моделларини қуришда ноқоррект масалаларни норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар асосида ечишнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

сушт шаклланган жараёнларни баҳолашнинг норавшан моделларини қуришда юзага келган ноқоррект масалаларни ечиш усулларини норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштириш;

корректликнинг компакт ва компакт бўлмаган синфларини таҳлил қилиш, норавшан моделини қуриш жараёнида юзага келган ноқоррект масалаларни норавшан ечимини олиш усулини норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштириш;

сушт шаклланган жараёнларда норавшан қоида хулосаларига асосланган мантиқий моделларини қуриш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ноқоррект масалаларни ечимини олиш усулини Z-сонлар асосида такомиллаштириш;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашнинг норавшан мантиқий моделини қуриш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси асосида ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш моделларини қуришда юзага келган ноқоррект масалаларни Z-сонлар асосида ечишнинг алгоритмларини ишлаб чиқиш;

суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш ва башоратлашнинг норавшан мантиқий моделини қуриш жараёнида шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси ва Z -сонлар асосида ечиш дастурини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида норавшан мантиқий тенгламалар билан ифодаланувчи суст шаклланган жараёнлар қаралган.

Тадқиқотнинг предмети норавшан ахборотлар ҳолатида суст шаклланган жараёнларни математик моделлаштириш тамойиллари, нокоррект масалаларни ечиш усуллари, алгоритмлари ва дастурий воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида суст шаклланган жараёнларни моделлаштиришда тизимли ёндошувлар, “юмшоқ ҳисоблашлар” усуллари, норавшан мантиқ ва норавшан арифметика назариясига асосланган усуллар, норавшан қоида хулоса тизимларида Z -сонларни қўллаш тамойиллари, нокоррект масалаларни ечиш учун норавшан ёндошув, муқобиллаштиришнинг самарали усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашнинг норавшан моделини қуриш жараёнида юзага келган нокоррект масалаларни аниқлаш усули норавшан ҳолатда корректликнинг шартларини текшириш асосида такомиллаштирилган;

турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида корректликнинг компакт ва компакт бўлмаган синфларини аниқлаш усуллари норавшан тўпламлар назарияси ва Z -сонлар асосида такомиллаштирилган;

турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш моделини қуришда юзага келган нокоррект масалаларнинг норавшан ва норавшан-турғун ечимини олиш усули норавшан тўпламлар назарияси асосида такомиллаштирилган;

нокоррект масалаларнинг турғун ечимини олиш усули Z -сонлар асосида такомиллаштирилган;

суст шаклланган жараёнларни баҳолашнинг норавшан мантиқий моделини қуришда ҳамда қарор қабул қилиш тизимини қўллаб-қувватловчи тизимларни такомиллаштиришда шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси асосида ечиш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш моделларини қуришда юзага келган нокоррект масалаларни Z -сонлар асосида ечиш алгоритми ишлаб чиқилган;

норавшан тўпламлар назарияси ва Z -сонлар асосида норавшан муқобиллаштириш масаласини ечиш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дастлабки норавшан ахборотлар ҳолатида баҳолаш ва башоратлашнинг турли амалий масалаларини корректликка текширган ҳолда ечиш моделлари ишлаб чиқилган;

суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашнинг чизикли ва ночизикли кўринишдаги норавшан моделини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган;

суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш ва башоратлашнинг норавшан мантиқий моделини қуришда шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар асосида ечиш дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда келтирилган тасдиқлар қатъий исботланган, ечимларнинг интеллектуал таҳлили келтирилган бўлиб, норавшан ҳисоблаш амаллари асосида баҳолаш ва башоратлаш масалаларини реал ва тажриба синовида ечимларни солиштириш билан модел адекватлиги таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти норавшан моделлар қуриш жараёнида юзага келган нокоррект масалаларини норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар ёрдамида ечишга, мантиқий моделни қуриш жараёнида шаклланган коррект бўлмаган масалаларнинг норавшан ечими, турғун норавшан ечимини олиш алгоритмларини яратишга, суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш, синфлаштириш ва башоратлаш услубиятини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар илмий тадқиқот ва ихтисослашган конструкторлик бюрolariда дастлабки норавшан ахборотлар ҳолатида берилган коррект бўлмаган масалаларни ечишда ва интеллектуал тизимларда қарор қабул қилишни асослашда кенг кўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти корректликнинг компакт ва компакт бўлмаган синфларини таҳлил қилиш натижалари, норавшан моделни қуриш жараёнида нокоррект масалаларни ечиш усулини норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар асосида такомиллаштириш билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларини қўллаш норавшан тўпламлар назарияси асосида интеллектуал тизимлар ҳолатини баҳолаш ва башоратлашнинг амалий масалаларини дастурий таъминотини яратиш ҳамда корректликка текширган ҳолда ечимларни шакллантириш доирасида, самарадорликни ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суст шаклланган жараёнлар норавшан моделларини қуришнинг нокоррект масалаларини ечиш усули, алгоритмлари ва дастурий воситалари асосида:

турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида корректликнинг компакт ва компакт бўлмаган синфларини норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар асосида аниқлашнинг такомиллаштирилган усуллари Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси томонидан зарар билан ишлаётган корхоналарни молиявий ҳолатини баҳолаш учун жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги 33-8/7925-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида зарар билан ишлаётган корхоналарни баҳолаш

орқали 2013 йилда аввалги йилга нисбатан уларнинг миқдорини Тошкент вилоятида 23%га камайиши билан кўрилган зарарларни 3%га камайтириш имконини берган;

қарор қабул қилиш тизимини қўллаб-қувватловчи тизимларни такомиллаштиришда шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси асосида ечиш алгоритми ва дастури Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти бошқармаси томонидан зарар билан ишлаётган корхоналарни иқтисодий барқарорлиги мониторингини ўтказиш учун жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги 33-8/7925-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида яратилган дастур зарар билан ишлаётган корхоналарни иқтисодий барқарорлиги мониторингини ўтказиш 2016 йил якуни бўйича аввалги йилга нисбатан уларнинг миқдорини Тошкент вилоятида 15%га камайишига, республикада иқтисодий ночор бўлган корхоналарни 20%га камайиш имконини берган;

нокоррект масаланинг норавшан ечими, турғун норавшан ечимини олиш алгоритмлари “Бўкадавсулмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси томонидан корхонанинг иқтисодий молиявий ҳолатини баҳолаш учун жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги 33-8/7925-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш натижасида айланма маблағлар ҳажми 21,9 % га ошишга хизмат қилган;

нокоррект масалаларни Z-сонлар асосида ечишнинг алгоритмик таъминоти “Alp Crypto” МЧЖда жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2017 йил 22 ноябрдаги 33-8/7925-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ахборот тизимларида айланаётган маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва конфиденциал маълумотларни ташқарига чиқиб кетишини олдини олишни 10-15 %га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 2 та ЭХМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 158 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига тадқиқотнинг мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Норавшан тўпламли ёндошув асосида сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш масаласини ечиш муаммолари”** деб номланган биринчи бобида норавшан тўпламлар назарияси ва Z -сонлар асосида сушт шаклланган жараёнларнинг мантиқий моделларини қуришнинг асосий муаммолари аниқланди. Интеллектуал таҳлиллаш масалаларини ечиш маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги ва лингвистик кўринишда берилганлиги билан тавсифланади. Бундай ҳолларда норавшан тўпламлар ва Z -сонлар назариясини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Сушт шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолаш ва башоратлашнинг норавшан мантиқий моделини қуриш жараёнида баъзи ҳолларда ноқоррект масалани ечиш муаммосига дуч келинди.

(X_r, y_r) норавшан тажрибавий маълумотлар танланмаси берилган бўлсин, $r = \overline{1, M}$, бу ерда $X_r = (x_{r,1}, x_{r,2}, \dots, x_{r,n})$ - r -жуфтликдаги кирувчи вектор ва y_r - унга мос чиқиш вектори.

Умумий ҳолатда норавшан қоидалар хулосаларидан иборат қуйидаги кўринишдаги модел қуриш талаб этилсин [Л.Заде, А.П.Ротштейн, Р.А.Алиев]:

$$\bigcup_{p=1}^{k_j} \left(\bigcap_{i=1}^n x_i = a_{i,jp} - w_{jp} \text{ вазн билан} \right) \rightarrow y_j = v_{j,0} + v_{j,1}x_1 + \dots + v_{j,n}x_n + \\ + v_{j,n+1}x_1^2 + \dots + v_{j,2n}x_n^2 + \dots + v_{j,n+l-1}x_1^l + \dots + v_{j,ln}x_n^l. \quad (1)$$

Ушбу модел $l=0$ ҳолатда синглтон кўринишдаги модел ҳисобланади. $l=1$ ҳолатда норавшан қоидалар хулосаларидан иборат Сугено кўринишдаги чизикли моделдир.

Модел қуриш жараёнида норавшан қоидалар хулосалари $V = (v_{1,0}, v_{2,0}, \dots, v_{m,0}, v_{1,1}, v_{2,1}, \dots, v_{m,1}, \dots, v_{1,n}, v_{2,n}, \dots, v_{m,n}, \dots, v_{1,l}, v_{2,l}, \dots, v_{m,l})$, $i = \overline{1, n}$, $j = \overline{1, m}$ коэффицентларининг шундай қийматларини топиш керакки, у қуйидаги ифодани минимумга эриштирсин:

$$\sum_{r=1, M} (y_r - y_r^f)^2 \rightarrow \min, \quad (2)$$

бу ерда y_r^f – танланманинг r – сатридаги киришларнинг норавшан билимлар базаси бўйича чиқиш натижаси.

(2) масалани ечиш қуйидаги тенгламанинг ечимига мос келади:

$$Y = A \cdot V, \quad (3)$$

бу ерда

$$A = \begin{bmatrix} \beta_{1,1}, \dots, \beta_{1,m}, & x_{1,1} \cdot \beta_{1,1}, \dots, x_{1,1} \cdot \beta_{1,m}, & \dots, & x_{1,n} \cdot \beta_{1,1}, \dots, x_{1,n} \cdot \beta_{1,m}, & \dots, & x'_{1,1} \cdot \beta_{1,1}, \dots, x'_{1,1} \cdot \beta_{1,m}, & \dots, & x'_{1,n} \cdot \beta_{1,1}, \dots, x'_{1,n} \cdot \beta_{1,m} \\ \vdots \\ \beta_{M,1}, \dots, \beta_{M,m}, & x_{M,1} \cdot \beta_{M,1}, \dots, x_{M,1} \cdot \beta_{M,m}, & \dots, & x_{M,n} \cdot \beta_{M,1}, \dots, x_{M,n} \cdot \beta_{M,m}, & \dots, & x'_{M,1} \cdot \beta_{M,1}, \dots, x'_{M,1} \cdot \beta_{M,m}, & \dots, & x'_{M,n} \cdot \beta_{M,1}, \dots, x'_{M,n} \cdot \beta_{M,m} \end{bmatrix}, \quad (4)$$

$$\beta_{j,r} = \frac{\mu_{f_j}(X_r) \cdot f_j}{\sum_{k=1}^m \mu_{f_k}(X_r)} \text{ ёки } \beta_{j,r} = \frac{\mu_{f_j}(X_r) \cdot f_j}{\int_{x_-}^{x_+} \mu_{f_j}(x) dx},$$

$f_j = v_{j,0} + v_{j,1}x_{r,1} + v_{j,2}x_{r,2} + \dots + v_{j,n}x_{r,n} + v_{j,n+1}x_{r,1}^2 + v_{j,n+2}x_{r,2}^2 + \dots + v_{j,2n}x_{r,n}^2 + \dots + v_{j,n+l-1}x_{r,1}^l + v_{j,n+l}x_{r,2}^l + \dots + v_{j,ln}x_{r,n}^l$ - j - қоиданинг чиқиши, $\mu_{f_j}(X_r)$ - ҳар бир тажрибавий маълумотга мос тегишлилик функцияси:

$$\begin{aligned} \mu_{f_j}(X_r) &= \mu_{j,1}(x_{r,1}) \cdot \mu_{j,1}(x_{r,2}) \cdot \mu_{j,1}(x_{r,3}) \cdot \dots \cdot \mu_{j,1}(x_{r,ln}) \vee \\ &\vee \mu_{j,2}(x_{r,1}) \cdot \mu_{j,2}(x_{r,2}) \cdot \mu_{j,2}(x_{r,3}) \cdot \dots \cdot \mu_{j,2}(x_{r,ln}) \vee \\ &\dots \dots \dots \vee \\ &\vee \mu_{j,k_j}(x_{r,1}) \cdot \mu_{j,k_j}(x_{r,2}) \cdot \mu_{j,k_j}(x_{r,3}) \cdot \dots \cdot \mu_{j,k_j}(x_{r,ln}). \end{aligned}$$

Аниқ ҳаётий масалаларни ечиш жараёнида созланувчи параметрлар миқдори танланма ҳажмидан кичик бўлади $m(n+1) < M$. Шунинг учун (3) масала аниқ ечимга эга эмас. У ҳолда $Y = A \cdot V$ тенгламалар системасини ечишни $A^T Y = A^T A \cdot V$ масалани ечишга келтирилади.

Математик таҳлил натижасида тадқиқот предмети тўғрисидаги жорий маълумот моделлаштириш пайтида қай даражада тўғри ишлатилганлигини, яъни модел адекватлиги қай даражада эканлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бу борада сушт шаклланган жараёнларнинг моделларини ишлаб чиқишнинг асосий муаммолари қуйидагилардир:

норавшан ахборотлар ҳолатида интеллектуал тизимларни таҳлиллашнинг баҳолаш ва башоратлаш моделини қуриш жараёнида ноқоррект масалаларни ечиш усулларини таҳлил қилиш;

турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида интеллектуал таҳлиллашнинг моделини қуриш жараёнида ноқоррект масалаларни норавшан ечими ва турғун норавшан ечимини олиш мумкин эканлиги кўрсатиш;

интеллектуал таҳлиллашнинг норавшан моделини қуриш ва қарор қабул қилиш жараёнида шаклланган турғун бўлмаган масалаларни норавшан тўпламлар назарияси ва Z-сонлар асосида ечиш алгоритмларини яратиш;

норавшан маълумотлар ҳолатида кўп мезонли муқобиллаштиришнинг турғун бўлмаган масалаларини ечиш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг “Суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашнинг норавшан моделларини қуришда юзага келган ноқоррект масалаларини ечиш усули” деб номланган иккинчи бобида норавшан ахборотлар ҳолатида суст шаклланган жараёнларни баҳолашнинг ноқоррект масалаларини қўйилишида турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида берилган бирламчи ахборотнинг норавшан компакт бирламчи ахборот ёки норавшан компакт бўлмаган бирламчи ахборот эканлиги кўрсатилган. Турли хил тегишлилик функциялари ёрдамида норавшан ечим ва турғун норавшан ечимини қуриш мумкин эканлиги кўрсатилди.

1-тасдиқ. n ўлчамли $X=R^n$ фазода берилган қуйидаги тегишлилик функцияси билан ифодаланган бирламчи ахборот норавшан-компакт бирламчи ахборотдир

$$\mu(x) = \frac{1}{1+t\|x\|^2}.$$

Исбот. Ушбу бирламчи ахборотнинг норавшан–компакт эканлигини кўрсатамиз.

α –даражадаги тўпламни қўриб чиқайлик.

$$\begin{aligned} \forall \alpha \in (0,1], t > 1, A_\alpha(x) &= \{x : \mu(x) \geq \alpha\} \Rightarrow \\ A_\alpha(x) &= \left\{x : \frac{1}{1+t\|x\|^2} \geq \alpha\right\} = \left\{x : 1+t\|x\|^2 \leq \frac{1}{\alpha}\right\} = \\ &= \left\{x : \|x\|^2 \leq \frac{1-\alpha}{t\alpha}\right\} = \left\{x : \|x\| \leq \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}}\right\} = \\ &= \{x : \|x\| \leq \varepsilon(\alpha)\}, \varepsilon(\alpha) = \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}}. \end{aligned}$$

$\varepsilon(\alpha) = \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}} < \infty$ олсак, A_α компакт бўлади. Тасдиқ исботланди.

$Av = u$ тенгламанинг норавшан ечими деб $\bigcup_\alpha A_\alpha$ норавшан тўплам билан ифодаланган, қуйидаги хоссаларга эга бўлган бирламчи ахборотга айтилади:

- A оператор ва u бошланғич маълумотлар берилган;
- $\forall \alpha \in (0,1], A_\alpha = \{u : \mu_A(u) \geq \alpha\}$

$$\exists \varepsilon(\alpha) > 0, \sup_{v \in A_\alpha} \rho_v(A(v), A_\alpha) < \varepsilon(\alpha) < \infty.$$

Бу ерда $\rho_v - A(v)$ ва A_α тўпламлар орасидаги масофа.

$$\mu(v) = \frac{1}{1+t\|Av-u\|^2} \text{ тегишлилик функцияли бирламчи ахборотнинг}$$

норавшан ечимини топайлик.

Узлуксиз A оператор ва бошланғич маълумотлар берилган.

$$\forall \alpha \in (0,1], t > 1, A_\alpha(v) = \{v : \mu_A(v) \geq \alpha\} =$$

$$\left\{ v: \frac{1}{1+t\|Av-u\|^2} \geq \alpha \right\} = \left\{ v: \|Av-u\| \leq \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}} = \varepsilon(\alpha) < \infty \right\}.$$

$\varepsilon(\alpha)$ ни $\varepsilon(\alpha) = \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}} < \infty$ кўринишда олиш мумкинлигини кўриш мумкин..

Агар қуйидаги шартлар бажарилса, норавшан ечими турғун деб аталади:

- $\lim_{\substack{\alpha \rightarrow \sup \\ v \in V}} \mu(v) = 0$;
- $\forall \alpha \in (0,1] D(A_\alpha)$ даги A оператор – узлуксиз.

Юқорида берилган норавшан ечимнинг турғун эканлигини кўриб чиқамиз.

$\varepsilon(\alpha) = \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}}$ эканлиги кўрсатилган ва биринчи шарт бажарилди, яъни $\lim_{\alpha \rightarrow 1} \varepsilon(\alpha) = \lim_{\alpha \rightarrow 1} \left(\sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}} \right) = 0$. A операторнинг $D(A_\alpha)$ даги узлуксизлиги масаланинг шартидан келиб чиқади. Норавшан ечимнинг турғунлиги исботланди.

Турғун норавшан ечимлар тадқиқот соҳаси баён этилган табиий тилдаги ахборотлар устида амаллар бажариш имкониятини қолдирган ҳолда тақрибий ечимларни қуриш имконини беради.

Турғун норавшан ечимларни қуриш мумкин бўлган ҳолни кўриб ўтамыз.

$A: v \rightarrow U$ оператор $v \in V$ даги узлуксиз оператор бўлсин, у ҳолда турғун норавшан ечимни қуриш мумкин.

Ихтиёрий элемент $v \in V$ ни оламиз.

$\mu(v) = \frac{1}{1+t\|Av-u\|^2}$ тегишлилик функцияси билан ифодаланган бирламчи ахборотнинг турғун норавшан ечимини қуриш мумкин.

$$\forall \alpha \in (0,1], t > 1, 0 \leq Av-u < \infty, \varepsilon(\alpha) = \sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}}, \text{ бўлсин.}$$

$A_\alpha = O_{\varepsilon(\alpha)}(Av) - Av$ тўпلامнинг ε -атрофи бўлсин. $\bigcup_{\alpha} A_\alpha$ -кўринишдаги

турғун норавшан ечим қуриш мумкин: $\lim_{\alpha \rightarrow 1} \varepsilon(\alpha) = \lim_{\alpha \rightarrow 1} \left(\sqrt{\frac{1-\alpha}{t\alpha}} \right) = 0$.

Бирламчи ахборотнинг турғун эканлиги юқорида кўрсатилган ва A нинг узлуксизлигидан норавшан ечим бўлиш шarti бажарилди.

Диссертациянинг “**Z-сонлар асосида нокоррект масалаларни ечиш усуллари**” деб номланган учинчи бобида Z-сонлар асосида олинувчи

ечимнинг компактлиги текширилган. Нокоррект масалаларни ечишда Z -сонлар ёндошуви кўриб чиқилган.

Z -сон - бу $Z = (A, B)$ сифатида белгиланувчи норавшан сонларнинг тартибланган жуфтлигидир. Биринчи A компонент X ноаниқ ўзгарувчининг ҳақиқий қийматларига қўйилган чекланишлардан иборат. Иккинчи B компонент биринчи компонентни ишончлилик даражасини ифодалайди.

Z -ахборот - (μ_A, p_x) , $x \in X$ тегишлилик функцияли норавшан тўпламдир.

Z -ахборотнинг ташувчиси деб $\text{supp } A = \left\{ x : \mu\left(\frac{x}{k}\right) > 0 \right\}$ кўринишдаги оддий тўпламга айтилади.

Бу ерда k - умумлашган норавшан соннинг ўрта даражали интеграл кўриниши бўйича дефаззифицияланувчи қиймат. L - R кўринишидаги норавшан сон учун L^{-1} ва R^{-1} мос равишда L ва R функцияларнинг тескари функциялари бўлсин. У ҳолда вазнли ўртача h -даражанинг интеграл қийматига асосланган умумлашган норавшан соннинг ўрта даражали интеграл кўриниши бўйича k дефаззификацияланувчи қиймат қуйидагига тенг

$$k = \frac{1}{2} \frac{\int_0^h \left[h \frac{L^{-1}(h) - R^{-1}(h)}{2} \right] dh}{\int_0^w h dh};$$

бу ерда $L(h)$ - чап тегишлилик функцияси, $R(h)$ - ўнг тегишлилик функцияси, h -даража 0 ва w орасида жойлашган, $0 < w \leq 1$.

Z -ахборот компакт дейилади, агар унинг ташувчиси дастлабки X фазода компакт ҳисобланса (яъни ихтиёрий кетма-кетликдан яқинлашувчи қисм кетма-кетликни ажратиб олиш мумкин бўлса).

Агар нолинчи даражадаги тўпламдан бошқа ҳар қандай даражадаги тўплам X фазода компакт бўлса, Z -ахборот Z -компакт деб аталади, яъни $\forall \alpha \in (0, 1]$, $A_\alpha = \left\{ x : \mu\left(\frac{x}{k}\right) \geq \alpha \right\}$ - фазодаги компакт соҳа.

2-масдиқ. $X = R^n$ да қуйидаги тегишлилик функцияси билан ифодаланган Z -ахборот Z -компакт ахборотдир:

$$\mu(x) = e^{-t \left\| \frac{x}{k} \right\|^2}.$$

Исбот. Ушбу тегишлилик функцияси билан ифодаланган Z -ахборотнинг Z -компакт ахборот эканлигини исботлаймиз.

α -даражадаги тўпламни кўриб чиқамиз.

$$\forall \alpha \in (0, 1], t > 0, A_\alpha(x) = \left\{ x : \mu_A\left(\frac{x}{k}\right) \geq \alpha \right\} =$$

$$\left\{ x : \exp\left(-t \left\| \frac{x}{k} \right\|^2\right) \geq \alpha \right\} = \left\{ k : \|x\| \leq k \sqrt{-\frac{\ln \alpha}{t}} = \varepsilon(\alpha) < \infty \right\}.$$

Тасдиқ исботланди.

Z -ахборотнинг Z -компактлиги ва компактлик хусусиятларини кўриб чиқамиз.

$Av = u, u \in U, v \in V$ тенгламанинг Z -сонлар асосида олинган ечими деб норавшан тўплам кўринишида берилган, куйидаги хоссаларга эга бўлган Z -ахборотга айтилади:

- A оператор ва u бошланғич маълумотлар берилган,
- $\forall \alpha \in (0, 1], A_\alpha = \left\{ x : \mu_A\left(\frac{x}{k}\right) \geq \alpha \right\} \exists \varepsilon(\alpha) > 0,$

$\sup_{v \in A_\alpha} \rho_v(A(v), A_\alpha) < \varepsilon(\alpha) < \infty$ бу ерда $\rho_v - A(v)$ ва A_α тўпламлар орасидаги масофа

Агар A – узлуксиз оператор ва u куйидаги формула бўйича берилган бўлса, v ни топиш масаласи кўйилади:

$$Av = u, u \in U, v \in V.$$

Z -сонлар асосида олинган ечимни турғун деб айтилади, агар куйидаги шартлар бажарилса

- $\lim_{\alpha \rightarrow \sup_{x \in X} \mu\left(\frac{x}{k}\right)} \varepsilon(\alpha) = 0,$
- $\forall \alpha \in (0, 1]$ учун $D(A_\alpha)$ да A – узлуксиз.

$$\mu(v) = \exp\left(-\left(\frac{Av - u}{k}\right)^2\right) \text{ тегишлилик функцияли } Z\text{-ахборотнинг}$$

Z -сонлар асосида олинган ечими турғун эканлигини кўриб чиқамиз.

$\varepsilon(\alpha) = k\sqrt{-\ln \alpha} < \infty$ эканлиги кўрсатилган ва биринчи шарт бажарилди, яъни $\lim_{\alpha \rightarrow 1} \varepsilon(\alpha) = \lim_{\alpha \rightarrow 1} (k\sqrt{-\ln \alpha}) = 0$. A операторнинг $D(A_\alpha)$ да узлуксизлиги масала шартидан келиб чиқади. Z -сонлар асосида олинувчи ечим турғунлиги кўрсатилди.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Суст шаклланган жараёнлар ҳолатини баҳолашнинг ноқоррект масалаларини ечишга норавшан ёндошувни татбиқ этиш” деб номланган бўлиб, интеллектуал таҳлил қилиш масаласини норавшан ёндошув асосида ечилган. Тегишлилик функция параметрларини созлаш жараёнида турғун бўлмаган масалаларни ечиш ёндошуви ёрдамида суст шаклланган жараёнларни баҳолаш ва башоратлаш масалаларининг ечими олинди.

Ушбу бобда ноаниқликнинг норавшан ёндошувидан фойдаланган ҳолда норавшан қоида хулосаларига асосланган (1) моделни куриш алгоритми келтирилди.

1) Маълумотлар базасидан (X_r, y_r) норавшан тажрибавий маълумотлар танланмасини шакллантириш.

2) Нормаллаштириш:

$$u_{ik} = l \frac{x_{ik} - x_{\min}}{x_{\max} - x_{\min}}.$$

3) Фаззификациялаш:

